Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 20 октябрь ШАНБА

№ 84 (12.512)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимиз олдида турган эзгу мақсадларни амалга ошириш, кўптармоқли иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, унинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз фаровонлигини ошириш йўлида қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз барчамизни албатта қувонтиради ва эртанги кунга бўлган ишончимизни янада кучайтиради.

Шулар қаторида пахтачилик соҳасида жорий йилда 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасига эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизга чуқур мамнуният етказади.

Бу ғалабанинг осонлик билан эмас, ўта оғир шароитда, машаққатли меҳнат ва фидойилик ҳисобидан қўлга киритилгани унинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини янада оширади ва барчамизни руҳлантиради.

Бу ҳақда гапирганда, айтиш керакки, ўтган йил кузда – янги мавсумга тайёргарлик пайтида бошланган ёғингарчилик, қорли ва аёзли кунларнинг февраль ойига қадар чўзилиб кетгани, бунинг натижасида ерларнинг шўрини ювиш, экишга тайёрлаш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келгани, ёз ойларида эса ҳаво ҳароратининг кескин даражада юқори бўлгани, турли қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликлар кўпайгани деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Буларнинг барчаси дала меҳнаткашларидан ҳақиқатан ҳам катта мардлик, мустаҳкам ирода ва қатъиятни талаб қилди ва мўл ҳосил яратиш йўлида бутун имконият, бор куч-ғайратни сафарбар қилишга тўғри келди.

Мана шундай мураккаб бир шароитда эришган ютуқларимиз, яъни мамлакатимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги ўртача 26,5 центнерни ташкил этиб, 5 йиллик ўртача кўрсаткичга нисбатан 1,6 центнерга ошгани, етиштирилган ҳосилнинг ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, ғоят қисқа муддатда – 35 иш кунида йиғиб-териб олингани, унинг 90 фоизи юксак сифат билан юқори сортларга топширилгани ҳар қайси деҳқон, ҳар қайси фермер, ҳар қайси мутахассисдан ҳақиқий матонат ва жасорат намунасини, уюшқоқлик ва сафарбарлик кўрсатишни талаб қилганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сиз, азиз пахтакорларимизнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ўз зиммангизга олган шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этганингиз билан чин қалбимдан табриклашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадрли юртдошлар!

Бугун, мана шу қувончли айёмда пахта тайёрлаш бўйича бошқаларга ўрнак ва намуна бўлиб, мамлакатимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган вилоят ва туманлар, фермер хўжаликларининг номларини ҳурмат билан тилга олишимиз ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларининг пахтакорлари биринчилардан бўлиб юксак маррага етиб келганлари, гектаридан ўртача 30-35 центнердан ҳосил олишга эришганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Амударё, Кегейли, Чимбой, Пахтаобод, Шаҳрихон, Мингбулоқ, Олтинкўл, Поп, Дўстлик, Оқолтин, Бўка, Бувайда, Ўзбекистон, Навбаҳор, Вобкент, Нарпай, Иштихон, Шеробод, Косон, Гурлан туманларида ҳосилдорлик ўртача 35-40 центнерга етгани айниқса эътиборлидир.

Беруний туманидаги "Акром", Амударё туманидаги "Ғайрат", Шаҳрихон туманидаги "Азиз", Пешку туманидаги "Фаттоев", Навбаҳор туманидаги "Диёрбек Сулаймонов", Каттақўрғон туманидаги "Ҳосил", Оқолтин туманидаги "Нурафшон орзу", Данғара туманидаги "Ёқубжон Дадамирза", Хонқа туманидаги "Исмоил ота" фермер хўжаликларининг гектаридан 45-50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани фермерлик ҳаракатининг имкониятлари нақадар катта эканини яна бир бор намоён этди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ана шундай ўта оғир, шу билан бирга, шарафли меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосил мамлакатимизнинг қайта ишлаш корхоналарини юқори сифатли хом ашё билан таъминлаши ва ундан пахта толаси, ип-калава, текстиль маҳсулотлари, ёғ, совун, кунжара каби 25 дан зиёд турдаги маҳсулот олинишини, пахта толасини экспорт қилиш ҳисобидан келадиган валюта маблағларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, деҳқонларимизнинг қадоқ қўллари билан яратилган бу юксак хирмоннинг нақадар бебаҳо бойлик эканини катта миннатдорлик билан қайд этиш албатта ўринли бўлади.

Бу йилги ҳосилнинг асосий омил ва мезонлари ҳақида гапирганда, аввалambор, ишни тўғри ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини чуқур ислоҳ қилиш ва уни самарали бошқаришни замонавий даражага кўтариш, далада ишлаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бу борада энг муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим.

Қўлга киритилган бу ютуқ замирида яна бир асосий мезон сифатида тараққий топган давлатлар тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракатига ўтиш, бу соҳанинг ривожи учун барча ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шарт-шароитларни яратиб бериш бўйича амалга оширган катта-катта ишларимиз мужассам эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Шулар қаторида яна бир муҳим омил борки, бу қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, уларнинг ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотга эгалик ҳиссиёти тобора кучайиб, онгу тафаккури, дунёқараши юксалиб бораётгани билан боғлиқ, десак, муболаға бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Барчамизга аёнки, халқимизнинг "Сен ерни боқсанг – ер сени боқади", деган ҳикматли гапида чуқур маъно бор ва бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Биз бундан беш йил олдин бошлаган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида ўтган давр мобайнида давлат бюджетидан 800 миллиард сўм, жумладан, шу йилнинг ўзида 210 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшилангани ҳосилдорлик даражасини оширишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилгани ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, албатта.

Миқёси ва аҳамиятини тасаввур қилишнинг ўзи қийин бўлган бу ишларимиз нафақат тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни кўтариш, умуман олганда, табиатимизни, атроф-муҳитни яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдек устувор вазифаларни амалга оширишда самарали замин бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу билан бирга, жорий мавсумда селекция масаласига, ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос бўлган янги навларни танлаб экишга алоҳида эътибор қаратилгани, ғўза парваришида замонавий илм-фан ютуқлари, илғор агротехнологиялар, турли касалликларга қарши биологик кураш усуллари кенг жорий этилгани, энг муҳими, дефолиациянинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани эришилган ютуқни таъминлашда алоҳида ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Юқорида зикр этилган ана шундай тадбир ва ислоҳотларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшган барча олим ва агрономлар, иқтисодчилар, турли соҳа мутахассисларига миннатдорлик билдирган ҳолда, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Аввало, қўлга киритган марраларимизни янада мустаҳкамлаш, келгуси йил ҳосили ҳақида, жумладан, янги мавсумга тайёргарлик кўриш, экин майдонларини сифатли шудгорлаш, ирригация тармоқларини тартибга келтириш каби масалалар устида ўйлашимиз табиий, албатта.

Бу борада фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, уни замон талаб қилаётган янги, юксак босқичга кўтариш, бу соҳа олдида турган муаммоларни ҳал қилиш энг муҳим вазифаларимиз қаторига киради.

Айниқса, фермер хўжаликларининг илғор хорижий агротехнологиялар, илм-фан ютуқларини ҳар томонлама пухта ўзлаштириши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар яратиш, ёшларни фермерлик ишига кенг жалб этиш мақсадида олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, фермерларимизнинг касб маҳоратини, хўжалик юритиш, ташкилотчилик салоҳиятини ошириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Азиз ва муҳтарам юртдошлар!

Мана шундай шукуҳли дамларда биздан марҳаматини аямасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтамиз.

Барчангизни бугунги юксак меҳнат ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

# УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК БЎЛСИН!

**Мамлакатимиз пахтакорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар – 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили йиғиб олинди.**

Кўнглига эзгу ва улуғ ниятларни туккан элнинг ризқ-насибаси ҳамиша бутун бўлади. Халқимиз эркин ва обод Ватанда фаровон ва бахтли ҳаёт барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлида эришаётган юксак марралар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлайди. Ҳаёт синовларида тобланган, меҳнаткаш ва омилкор деҳқонларимиз ана шу муваффақиятларимизга улкан ҳисса қўшиб, пахта тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятларини адо этгани бутун халқимизнинг кўнглини тоғдай кўтарди. Дилига хурсандчилик ва ғурур бағишламоқда.

Зеро, миллий бойлигимиз бўлган бу қимматбаҳо хом ашёнинг мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлиги юксалиши, шаҳар ва қишлоқларимиз ободлиги, саноатимиз тараққиётида қанчалик улкан аҳамиятга эга эканлиги барчамизга яхши аён. Бир тонна пахтадан 7200 метр мато, 54 минг ғалтак ип, 360 килограмм момиқ пахта, 110 килограмм пахта ёғи, 16 килограмм совун олиш мумкинлигини, умуман, пахтадан ўнлаб турдаги маҳсулот тайёрланишини эътиборга олсак, деҳқонларимизнинг бугунги меҳнат ғалабаси ҳар бир юртдошимиз, бутун мамлакатимиз ҳаётига нақадар катта ижобий таъсир кўрсатишини янада теранроқ англаймиз.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш осон иш эмас. Унинг замирида заҳматкаш, ишнинг кўзини биладиган, азму шижоатли фермерларимизнинг машаққатли меҳнати мужассамдир.

(Давоми 2-бетда).

ПАХТА – 2012



# ЮКСАК ХИРМОНГА САЛМОҚЛИ ҲИССА

**2012 йил вилоятимиз меҳнат аҳлининг омади чопган, бахти кулган йил бўлди, десак арзийди. Бу йил ҳар қачонгидан ҳам залворли дон хирмони уйган деҳқонларимиз қалбларидаги қувонч ҳали сўнмай туриб, ундан муҳимроқ, ундан қувончлироқ ғалаба нашидасини сурмоқдалар. Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш контрактация шартномаси қисқа муддатларда ортиғи билан адо этилди.**

Вилоят пахта штабидан олинган маълумотларга кўра, кечаги кунгача қабул пунктларига шартномада белгиланган 237 минг тонна ўрнига 238 минг 718 тонна сифатли саноат хом ашёси етказиб берилди. Шуниси диққатга сазоворки, ушбу ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилиниб, вилоятимизнинг иқтисодий салоҳияти янада юксалишига мустаҳкам замин яратилди.

Меҳнатдан келган бахтнинг қадри юксак, завқи ўзгача бўлади. Зеро, вилоятимиз ғаллакорларию пахтакорлари эришган улкан ютуқлар замирида бутун қишлоқ хўжалик меҳнат аҳлининг эрта кўкламдан буён қилган машаққатли меҳнатлари ётибди. Ишнинг кўзини билиб қилинган меҳнатнинг завқи зўр, самараси салмоқли бўлади. Юртимизда аллақачон шаклланиб улгурган қишлоқ мулкдорларининг маҳоратлари юксалиб, моддий-техник базалари мустаҳкамланиб, барча экинлар ҳосилдорлиги барқарорлашиб бормоқда. Эндиликда фермерларимиз асосий экинлар, яъни ғалла ва пахтадан мўлжалланган ҳосилни олиш йўл-йўриқларини пухта эгаллашди.

Айниқса, кейинги йилларда пахтадан барқарор мўл ҳосил етиштириб, қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш яхши анъаналаримиздан бирига айланди. Пахтакорлар ғўзанинг С-6524, Наманган-77 каби вилоятимиз иқлим шароитига мос навлари агротехникасини пухта ўзлаштиришган. Қолаверса, эндиликда йиғим-терим билан боғлиқ ташкилий ишлар ҳам оқилона уюштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: Пискент туманидаги «Зоҳидбек Сардор» фермер хўжалиги раҳбари Содиқ Абдуҳакимов (ўртада) аъзолар даврасида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

МАЪНАВИЯТ

# ТАМАДДУННИНГ ИККИ ҚИЁФАСИ

## *ёки глобал ахборот воситаларидан фойдаланишнинг маънавий жиҳатлари ҳақида айрим мулоҳазалар*

Компьютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш, уни ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиясининг тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги тараққиёти бугун ўзининг ижобий имкониятлари билан бирга жиддий ташвиш ҳам туғдирмоқда. Чунки ҳозирги замон компьютерларининг энг сўнгги авлоди ҳар бирининг процессорида 80-100 миллион транзистор бўлиб, бир сонияда икки миллиардгача вазифани бажара олади. Ахборот технологиясининг бундай мўъжизаси туфайли хоҳлаган киши Ер юзининг хоҳлаган нуқтасидаги одам билан сонияларда алоқа ўрнатиши, муаммони лаҳзаларда ҳал этиши мумкин. Шу ҳолатнинг ўзи инсон фаолиятини, тафаккур тарзини, ахлоқий меъёрларини, оламга муносабатларини, яхлит олганда эса янги юз йилликдаги инсоният ҳаёти ва тақдирини ифода этади. Бошқача қилиб айтганда, XXI аср цивилизацияси ахборот хуружи, ахборот-психологик таҳдид қиёфасида ўзини намоён этмоқда.

Ахборотлаштиришилган глобал тизим ҳақида гапирар эканмиз, компьютер технологиясининг энг "митти", энг оммавий ва қулай шакли бўлган уяли телефон муаммосига алоҳида тўхталишга тўғри келади. Зотан, у кўпдан кўп қулайликлари билан ёшу қарининг, аҳоли барча табақасининг "хобби"сига айланган. Бошқача қилиб айтганда, телефон "бангилиги" хатарли тарзда хуруж қилиб, сурункали, даволаш қийин бўлган касалликка айланди.

Инсоният тақдири ва истиқболи, ахборот технологияси, жумладан уяли телефон, унинг тараққиёти, инсон ва инсоният ҳаётига таъсир ўтказиши омилларини чуқур ўрганишни тақозо этади. Булар қуйидагиларда кўринади:

**Биринчидан,** инсон, хусусан, ёшлар фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда йўлга қўйиш, йўналтириш. Умумманфаат атрофида бирлаштириш, жамоа ва жамият ишига дахлдорлик туйғусини шакллантириш, инсоният ҳаётини сақлашда масъуллик, унинг тақдирига тақдирдошлик ҳиссини уйғотиш.

**Иккинчидан,** фан-техника тараққиёти чексиз ривожланаётган бир пайтда унинг кенг имкониятларини умумий тараққиёт йўлига сафарбар этиш кайфиятининг устуворлигини таъминлаш. Акс ҳолда ғайриахлоқий ва ғайриинсоний кайфиятдаги фуқаро қудратли технологияларни жамият тараққиётига зид бўлган ғоят хатарли мақсадни амалга оширишга ишлатиши мумкин. Бу, айниқса, халқаро терроризм, наркобизнес, диний экстеремизм сингари глобал фожиаларни бошқаришда, давлатлараро иқтисодий муносабатларни чалкаштиришда, банк, молия-кредит тизимини издан чиқаришда қўл келади.

**Учинчидан,** ахборот технологиясининг беқиёс имкониятларини, улкан қудратини тўла-тўкис инсон ҳаётига татбиқ этиш, унинг тақдирига хизмат қилдиришни таъминлайдиган энг замонавий ва самарали бошқарув механизмини иқтисодий, ижтимоий, маънавий, руҳий ва сиёсий соҳаларда юксак маданият билан унумли фойдаланиш асосида ташкил этиш. Бу бевосита ёшлар тарбиясини долзарб масалага айлантиради.

Маълумки, ҳар бир фуқаро ўз шахсий нуқтаи назари, ўз қарашлари, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий имкониятлари доирасидагина фаолият кўрсатади. Ўз олами ҳудудида яшайди ва ташқи оламга ўз ақли доирасида шахсий муносабатини билдиради. Ҳар бир индивид мустақил инсон сифатида табиий-биологик камолотидан ва руҳий эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўзига мос ахборотни қабул қилади, уни таҳлил этади. Унинг атрофида мушоҳада юритади, фикрлайди ва шу таҳлиллар асосида шахсий хулосасига эга бўлади. Натижада у ёки бу тарздаги ўз нуқтаи назарини шакллантиради.

Демак, ҳар қандай ахборот мазмуни, моҳияти, таъсир этиш даражаси, жамиятга фойдали ёки зарарлилиги, кишини эзгуликка ёки ёвузликка даъват этиши билан "шахс-жамият-давлат" мутаносиблигига ижобий ёки салбий таъсир этади. Шу жиҳатдан қараганда, миллий манфаатларни асраш ва ривожлантиришда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг роли яна ҳам ошади.

Умуман олганда, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қандай пайдо бўлди? Унинг ҳаётийлиги, инсоният тақдирига дахлдорлиги нимада? Шундай савол туғилишининг ўзи муаммонинг долзарблиги ва ўта кескинлигини кўрсатади. Бизнингча, ахборот-психологик хавфсизлик тушунчаси қуйидагиларда намоён бўлади:

**Биринчидан,** ахборот-психологик хавфсизлик – бу бевосита инсон руҳиятига таъсир ўтказиш орқали уни ўз ақидаларидан, идеалларидан, муқаддас эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкураларнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

**Иккинчидан,** ахборот-психологик хавфсизликка риоя қилинмаса, унинг таъсирчан чоралари кўрилмаса, бузғунчи ғоялар миллий қадриятларни барбод этиш орқали тарихан мавжуд бўлган халқлар ва миллатларни геноцидга олиб келиши муқаррар.

**Учинчидан,** тиғиз ахборотлашган жамиятда ахборот орқали замонавий руҳий таъсир технологияларининг тобора ривожланиб бораётганлиги шахс ва жамият тафаккурининг шаклланишига у ёки бу тарзда кучли таъсир ўтказади. Жамоатчилик фикрининг қай даражада шаклланганлигига, жамиятнинг сиёсий онги, ҳуқуқий билимлар савияси, маънавий-маърифий даражасига қараб жамиятнинг тараққиётга ёки таназзулга юз тутиши муқаррар.

(Давоми 3-бетда).

# УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Эрта кўкламда меҳр ва умид билан ерга уруғ қадаган деҳқоннинг бир кўзи пайкалда, бир кўзи осмонда бўлади. Кўкда булут пайдо бўлса, кўнглига ғулғула тушади. Ғўза бир текис униб чиққан далаларни оралар экан, илк шонани кўрганида ғоят қувонади, дастлабки кўсак, лўппидек очилган биринчи чаноққа кўзи тушганида ҳосил чўғини чамалайди. Ҳа, лафзи ҳалолликни, ор-номусни ҳаётининг маъноси, эзгу мақсад-муддаолари ижобатининг кафили, деб билади ўзбек деҳқони.

– Деҳқон ернинг нафасини ҳис этиб туриши керак, дерди отам. Орадан йиллар ўтиб, бу гапнинг маъносини тушунгандайман, – дейди Хонқа туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Ҳамза Жуманиёзов. – Деҳқончиликнинг ёзилган ва ёзилмаган қонуниятлари бор. Ғўза – ғоят инжиқ экин. Масалан, суғориш ёки культивацияни белгиланган кун ва соатда бажармасангиз, ҳосилдан деярли айрилдим, деяверинг. Бегона ўт босган пайкалга қанча ўғит сочманг кутилган ҳосилни ололмайсиз. Қимматбаҳо минерал ўғитни, меҳнатни бегона ўтга бериш пулни ҳавога совуриш билан баравар. Шу боис ҳақиқий деҳқон ҳамиша жонсарак юради. Отам бир умр пахта етиштирди, бироқ эгнида оҳори тўкилмаган пахталик кийимни кам кўрганман. Онам ҳам далада меҳнатдан бош кўтармади, аммо рўшнолик кўрганини билмайман. Бугун мен отам касбини давом эттираяпман. Дала меҳнаткашларининг ўша даврдаги турмуши билан бугунги ҳаётимиз, турмуш даражамиз, деҳқонлар учун яратилган имкониятлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Меҳнатинг қадр топса, рағбат бўлса, ўзингга ишонч ортиб, яна ҳам ишлагинг, эл-юрт равнақига кўпроқ ҳисса қўшиб яшагинг келаверар экан…

Дарҳақиқат, собиқ тузум даврида халқимиз ҳар йили беш-олти миллион тонналаб пахта етиштиргани ҳолда тўқимачилик буюмларини асосан четдан олар эди. Тўйҳашам, меҳмондорчилик учун тузукроқ кийим анқонинг уруғи эди. Пахтадан тайёрланган маҳсулотни пахта нархидан камида ўн баробар қимматига харид қилар эдик. Чунки юртимизда тайёр маҳсулот деярли ишлаб чиқарилмас, ўз пахтамиздан ишланган тайёр кийимни четдан олардик. Бошқача айтганда, меҳнатни биз қилар, роҳатини бошқалар кўрар эди. Устига-устак, бизга асосан сунъий толадан тайёрланган буюмлар жўнатиларди.

Буларнинг барчаси бугун мантиқсизлик бўлиб кўринади. Лекин бу – бор гап эди. Мустақил бўлмаганимизда бу мантиқсизлик, бу адолатсизлик яна қанча давом этарди?

Мустақиллик бизга, бошқа юзлаб имкониятлар қатори, пахта хомашёсини сўнгги босқичгача қайта ишлаш имконини берди. Мисол учун ўтган асрнинг 90-йилларида етиштирилган пахта толасининг 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги вақтда ушбу рақам 40 фоиздан ошгани мамлакатимиз бу йўлда изчил ривожланиб бораётганининг амалдаги яққол ифодасидир.

Бугунги деҳқон ер эгаси, тадбиркор, мулк соҳиби. У ерга меҳр бериб, омилкорлик билан уни даромад манбаига айлантирмоқда. Кўрилган фойдани замонавий уйлар қуришга, тўй қилишга, машиналар миниб, ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга сарфлаш билан чегараланиб қолаётгани йўқ. Етиштираётган хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиб, қишлоққа саноатни олиб кираяпти, аҳоли бандлигини, фаровонлигини оширишга фаол ҳисса қўшаётир.

Давлатимиз томонидан фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун имтиёзлар яратилгани, уларни имтиёзли кредит ресурслари билан таъминлаш, эртапишар ва серҳосил навлар яратиш, ғўза навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига, сув билан таъминланиш даражасига қараб жойлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилгани, янги техника, минерал ўғитлар, сифатли уруғлик, ёқилғи-мойлаш материалларининг фермер хўжаликларига вақтида етказиб берилаётгани, турли зараркунанда ҳашаротларга қарши биологик усулларни қўллаш ишларининг тўғри ва тўла ташкил этилгани ҳам пахтачилик соҳасида эришилаётган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон пахтаси ўзининг юқори сифати ва рақобатбардошлиги билан жаҳон бозорида муносиб ва мустаҳкам жой эгаллаган. Ливерпуль халқаро товар биржасида ўзбек толаси эталон сифатида қабул қилинган. Пойтахтимизда 17-18 октябрь кунлари бўлиб ўтган VIII Ўзбекистон Халқаро пахта ва тўқимачилик ярмаркаси натижалари ҳам буни яна бир бор яққол тасдиқлади.

Халқимизда ҳамжиҳатлик, камарбасталик туйғулари кучли. Бундай гўзал фазилатлар байрамлар, умумхалқ ҳашарларида яққол кўринади. Куз кунлари пахта ҳақида ўйламайдиган, гапирмайдиган одамни топиш қийин. Нуроний отахону онахонларимиз фотиҳага қўл очганда, "Илоҳим элимизнинг хирмонлари баланд бўлсин!" деб дуо қиладилар. Зеро, пахтадан олинадиган даромаддан бутун эл-юртимиз наф кўради. Бу йилги мавсумда ҳам йиғим-терим ишлари юқори уюшқоқлик билан ташкил этилиб, мўл ҳосил қисқа фурсатда териб олингани минглаб, миллионлаб юртдошларимиз азму шижоатининг натижасидир. Меҳнаткаш, танти, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган деҳқонлари бор эл асло кам бўлмайди.

Халқимизда яхши ният – ярим давлат, деган нақл бор. Зотан, ҳар қандай улуғ ишларнинг аввали яхши ниятдан бошланади. Эрта кўкламда кўнглида ана шундай эзгу орзу-ниятлар ила далага чиққан деҳқонларимизнинг бугун юзи ёруғ, дили равшан.

Улкан меҳнат ғалабангиз муборак бўлсин, азиз бободеҳқонлар!

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



# ЮКСАК ХИРМОНГА САЛМОҚЛИ ҲИССА

Кунлик суръат юқори бўлишини таъминлаш мақсадида теримчиларни ҳар жиҳатдан руҳлантириш, илғорларни рағбатлантиришнинг энг таъсирчан усулларидан фойдаланилмоқда. Терилган пахта учун даланинг ўзида ҳақ тўланаётгани меҳнатга яроқли маҳаллий бўш аҳолини ҳам қизиқтириб, теримда кўнгилли тарзда қатнашишга ундамоқда.

Пахта йиғим-терими билан боғлиқ барча ишлар бутун мавсум давомида бевосита дала бошларига кўчирилаётгани ҳам умумий ишнинг узилишларсиз, бир маромда давом этишини таъминламоқда. Кунлик терим натижалари ҳар куни кечқурун вилоят пахта штабида таҳлил қилиниб, илғор тажрибалар оммалаштирилмоқда. Аниқланаётган камчилик ва сусткашликларнинг сабаблари атрофлича ўрганилиб, терим суръатини кучайтириш чоралари кўрилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, беистисно барча далаларда мўл ҳосил етиштиришга эришиш, теримни оммавий тарзда бошлаб, бор ҳосилни қисқа муддатларда саранжомлаб олишга қаратилган барча ташкилий ишлар бошиданоқ оқилона уюштирилаётгани ютуқларнинг асосий омили бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги мавсумда вилоятимизнинг умумий пахта хирмонига барча туманлар баракали ҳисса қўшди. Айниқса, Бекобод, Бўка ва Оққўрғон туmани меҳнат аҳлининг улушини алоҳида тилга олиш жоиз. Бекободлик фермерлар шартномадаги 38 минг 179 тонна ўрнига 39 минг 234 тонна, бўкаликлар 37 минг 565 тонна ўрнига 38 минг 613 тонна, оққўрғонликлар 36 минг 802 тонна ўрнига 37 минг 808 тонна хирмон уйдилар. Пискент, Чиноз ва Юқори Чирчиқ туманлари шартнома мажбуриятларини 103,2-105,5 фоиз қилиб бажарди.

Юртбошимизнинг фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштиришга оид йўлйўриқларига амал қилаётган ўнлаб фермерлар пахта майдонларини йил сайин кенгайтириб бормоқдалар. Жумладан, Бекобод туманидаги "Эликўзи ота" хўжалиги 316,3 гектар майдондан шартномадаги 855 тонна ўрнига 1482,5 тонна ҳосил йиғиштириб олди. "Бекобод қўрғони" умумий хирмонга 676 тонна, "Нормат ота" 527,6 тонна улуш қўшди. Чиноз туманидаги "Муқимий" хўжалиги қабул пунктларига 707 тонна, Оққўрғон туманидаги "Фазлиддин Омонов" хўжалиги 425 тонна ҳосил топширди. Бекобод туманидан "Мадан", "Хушмуродов Раим", Бўка туманидан "Отахўжа ўғли Юсуф", "Рашид Шоҳруҳ", Чиноз туманидан "Дур гавҳар дурдонаси" каби ўнлаб фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятларини 223,3-170 фоиз қилиб бажарди.

Айни кунларда вилоят далаларини ҳосилдан тозалаш, келгуси йил ҳосили учун ғўза қатор ораларি ва очиқ майдонларга кузги ғаллани тезроқ экиб олиш ҳаракати қизғин бошланиб кетди.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).



**СУРАТДА:** Бўка туманидаги «Ҳикоят» фермер хўжалиги раҳбари Акром Шарипов «Равот» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Савринисо Эргашева билан суҳбатда.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

# ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва 17-18 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси буни яна бир бор тасдиқлади***

Ярмарка якунлари бўйича қарийб 670 минг тонна Ўзбекистон пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди ва мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарининг маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 600 миллион АҚШ долларидан зиёд ҳажмдаги шартномалар тузилди. Ярмарка ниҳоясига етган бўлса-да, шартномалар тузиш ишлари давом этмоқда. Негаки, Ўзбекистонда етиштирилган пахта ва ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларига жаҳон бозорида талаб катта.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси доирасида бўлиб ўтган халқаро конференцияда турли мамлакатларнинг пахтачилик ва тўқимачилик саноати вакиллари, трейдерлар ушбу тармоқларни ривожлантириш тенденциялари, жаҳон бозорларида уларнинг маҳсулотларига бўлган талаб, таклиф ва нархларнинг ўзгариб туришини муҳокама этди, Ўзбекистонда пахта ҳамда тўқимачилик комплексининг қуввати ва салоҳиятини янада кўтариш бўйича амалга оширилаётган сиёсат билан батафсил танишди.

Ўзбекистонда пахта ва тўқимачилик комплекси жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда ушбу комплекс мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига катта ҳисса қўшмоқда ва экспорт таркибида салмоқли улушга эга. Бу эса истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир. Иқтисодиёт, жумладан, пахтачилик ва у билан боғлиқ қайта ишлаш саноатини янгидан ташкил этиш, ишлаб чиқаришни диверсификация ва модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, хўжалик юритишнинг илғор бозор услубларини жорий этиш давомида ушбу секторда улкан ўзгаришлар амалга оширилди.

VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида дунёнинг 38 давлатидан ишбилармон доиралар вакилларининг қатнашгани чет эл ишлаб чиқарувчилари ҳамда савдо компанияларининг Ўзбекистон билан ҳамкорликдан манфаатдорлигини яна бир бор исботлади. Бу нафақат пахта толамиз ва тўқимачилик маҳсулотларимизни харид қилиш, балки уларни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этишга интилишида ўз ифодасини топмоқда. Мамлакатимизда қатор қўшма, шу жумладан, хориж корхоналари муваффақиятли ишлаб турибди, уларнинг сони тобора кўпаймоқда.

Ярмарканинг хорижлик иштирокчиларининг фикрича, бундай самарали ҳамкорлик мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли жадал ривожланмоқда. Ўзбекистонда тўқимачилик соҳасида фаолият кўрсатаётган чет эллик инвестор ва шериклар учун қатор махсус солиқ ва божхона имтиёзлари, бошқа преференциялар жорий этилган бўлиб, бу уларнинг мамлакатимизда муваффақиятли бизнес юритишига қулайлик яратмоқда.

Мамлакатимизнинг кўплаб ишлаб чиқарувчиларининг ярмаркада иштирок этгани уларга шериклари доирасини кенгайтириш имконини берди. Мутахассисларнинг фикрича, Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасининг ўтказилиши мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари, айниқса, ҳудудларда жойлашган корхоналарга тўқимачилик маҳсулотларимизнинг хорижлик истеъмолчилари билан бевосита ҳамкорлик ўрнатиш ва уларни жаҳон бозорларига олиб чиқиш учун қулай шарт-шароит яратмоқда.

Хорижлик иштирокчилар Ўзбекистон ҳудудларининг инвестиция салоҳияти ва тўқимачилик саноатини ривожлантиришга доир янги лойиҳаларнинг тақдимот маросимлари ташкил этилгани самарасида ҳамкорликни ривожлантириш учун янги имкониятларга эга бўлди. Шунингдек, улар "Ўзбекистон" пахтани қайта ишлаш заводи, Тошкент вилоятининг "Тошкент-Тола" пахта терминали ва пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган қатор корхоналарда бўлиб, мамлакатимизнинг иқтисодиёт соҳасидаги, жумладан, пахта бизнесининг замонавий тузилмасини ташкил қилиш борасидаги ютуқлари билан танишди.

Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси ташкил этилганидан буён бу тадбир мамлакатимизнинг кўплаб давлатлар билан ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлигининг дунёда эътироф этилган ўзига хос механизмига айланди. Бу йилги тадбирнинг юксак натижалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган миллий иқтисодиётимиз ва унинг барча тармоқларини босқичма-босқич, комплекс равишда ривожлантириш йўналиши нақадар тўғри эканини яна бир карра тасдиқлади. Ярмарка давлатимиз раҳбари Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш бўйича олдимизга қўйган вазифаларни бажаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса яқин келажакда мамлакатимизга дунёнинг иқтисодиёти тараққий топган давлатлари қаторига қўшилиш имконини беради.

**Анна ИВАНОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбирлари.**

## *ҲОРМАНГ, ШОВВОЗЛАР!*

*Далаларда мисоли байрам,*
*Кундан-кунга кенгаяр даврам,*
*Кел, ёшлигим, сен-да жўш, яйра,*
*Мард майдонда қаддини ростлар,*
*Пахтазорда ҳорманг, шоввозлар!*

*Азиз юртдош, азиз ватандош,*
*Нурин сочар кузаки қуёш,*
*Юр, биз билан пахтазорга шош,*
*Чаноқларим айтмоқда розлар -*
*Пахтазорда ҳорманг, шоввозлар!*

*Йўлда қатор пахта карвони,*
*Ўзбегимнинг ўсар хирмони,*
*Деҳқон бобом қолмас армони,*
*Куйди-пишди баҳорлар, ёзлар —*
*Пахтазорда ҳорманг, шоввозлар!*

*Етти иқлим кезсанг пиёда,*
*Бундайин халқ йўқдир дунёда,*
*Меҳнат билан бахти зиёда,*
*Ғайратига йўқ эътирозлар —*
*Пахтазорда ҳорманг, шоввозлар!*

*Теримда бош қалби оловлар,*
*Фермер бобом дамлар паловлар,*
*Марраларга тикиб яловлар,*
*Ҳофизлари торини созлар —*
*Пахтазорда ҳорманг, шоввозлар!*

*Куз насими эсиб турибди,*
*Зафар руҳи кезиб юрибди,*
*Хирмонлар саф тизиб турибди,*
*Ғалаба! — деб янграр овозлар —*
*Пахтазорда ҳорманг, шоввозлар!*

**Нурали ЖАЛИЛ.**

ШУКРОНА

# ЭНГ МУҲИМ НЕЪМАТ

**Аллоҳ Таолонинг бизларга берган неъматлари орасида мустақиллик энг муҳим аҳамиятга молик неъматдир. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён халқимизнинг мустабид тузум даврида камситилган ижтимоий-маънавий ва диний қадриятлари қайтадан тикланди. Халқимиз барча соҳада эмин-эркин саъй-ҳаракат қилиш қатори эътиқод эркинлиги бахтига ҳам муяссар бўлди. Кўплаб жоме масжидлар очилди. Ўнлаб диний таълим муассасалари барпо қилиниб, ёшлар диний ва дунёвий фанлардан таҳсил олмоқдалар. Азиз-авлиёлар, аллома ҳамда фозил кишиларнинг марқадлари ва зиёратгоҳлари таъмирланиб, мусулмонлар ихтиёрига топширилди.**

Ҳар йили муҳтарам Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги билан минглаб ватандошларимиз муборак Ҳаж ва Умра зиёратига бориб келмоқдалар. Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари гўзаллашиб бормоқда. Бундай ободончилик, тараққиётнинг сабаби, аввало, юртимиздаги тинчликдир. Тинчлик қарор топган юртда хотиржамлик ҳукм суради, жамиятда ҳар томонлама юксалиш ва ривожланиш рўй беради. Одамларнинг бир-бирларига ишонч ва садоқатлари, меҳр-мурувватларининг самимий бўлиши ҳам асосан юрт тинчлигининг самарасидир.

Жамиятда инсон ҳаёти фақат тинчлик-омонлик билангина ҳақиқий маъно ва мазмун касб этади.

Диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир одам фақат эзгу ишлар қилиши, ожиз ва муҳтож кишиларни қўллаши лозим. Демак, айниқса, ёшларнинг маънавий тарбиясига алоҳида эътибор бериш зарур. Маънавий тарбиянинг муҳим эканлигини Юртбошимиз шундай изоҳлайди: "Бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадимиз улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намоёндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканлигини исботлаб беришдан иборатдир. Бундай ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласи барчамиз, биринчи галда, зиёлиларимиз, бутун жамоатчилигимиз учун ҳам қарз, ҳам фарз бўлиши шарт деб ҳисоблайман". Шунингдек, Навоийнинг бебаҳо илмий хазинаси ҳақида гапирар экан: "Буюк аждодимизнинг бебаҳо меросидан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз", деб қатъий ишонч билдиради. Демак, юксак маънавиятли ва маданиятли инсонлар кўп бўлган юртда тинчлик ва осойишталик бардавом бўлади.

Тинчликсиз тараққиёт ва фаровонлик бўлмаганидек, диний бағрикенгликсиз тинчлик барқарор бўлмайди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, "Виждон эркинлиги" Қонуни қабул қилинди. Унга асосан, барча динлар қатори Ўзбекистонда ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча оилалар ва уларнинг фарзандлари қонун олдида ҳуқуқан бир хил мавқедадирлар, имтиёзлардан ҳам баравар фойдаланадилар. Бу қонун Ўзбекистон Конституцияси билан кафолатланган.

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган бошқа миллат ва дин вакиллари эркинликда, қонуний ҳимояда ерлик халқ билан бир мақомдадир. Шундай экан, биз ўзбеклар юртимизда, шаҳримиз ва маҳалламизда биз билан ватандош бўлиб истиқомат қилаётган турли миллат, дин ва эътиқод вакиллари билан аҳилликда, ўзаро ҳурмат ва меҳр-муҳаббат билан яшамоқлигимиз жоиз.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ўзбек халқининг бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятлари, бағрикенглиги, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат каби фазилатлар билан йўғрилган дин-диёнати, маънавияти юксак даражада экан, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги бардавом бўлишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

**Азимжон АЛИМЖОНОВ,**
**Олмалиқ шаҳар имом хатиби.**

## Экологик назорат:

# ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", – дейилган. Бунинг маъноси шуки, ҳар бир шахс, у ким бўлишидан, қандай лавозимда ишлашидан қатъи назар, табиатнинг ҳамма объектлари – сув ва сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлиши, уни асраши шарт.

"Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида инсон саломатлиги учун экологик мувозанатни сақлаш, мамлакатни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона ва унга зарар етказмай фойдаланишга қаратилган қулай шарт-шароитлар яратиш, жонли табиат турлари ва генетик фонди бойлигини, экология тизимлари, ландшафт ва ноёб табиат хилма-хиллигини сақлаб қолиш, экология хавфсизлигини таъминлаш – табиат билан боғлиқ маданий меросни авайлабасраш асосий вазифа сифатида белгиланган.

Бу каби қоида ва меъёрий ҳужжатлар экологик ноқулайликларнинг олдини олишга, қолаверса, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси саломатлигини сақлашга, айниқса, табиий бойликларни келажак авлод учун асраб-авайлашга қаратилган. Асосий талаб мамлакатда экологик барқарорликни таъминлашда барча фуқаролар ҳамжиҳатликда ҳаракат қилишидан иборат.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонуни лойиҳаси Юртбошимиз томонидан олға сурилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"дан келиб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги роли ва ўрнини аниқ белгилаб қўйиш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, биринчи навбатда Экоҳаракатнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажаришга қаратилган фаолиятини янада кучайтириш, шунингдек, уларнинг мамлакатимиз ҳудудларида атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза этишнинг аҳволини мониторинг қилишдаги иштирокини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқилиб, Олий Мажлисда биринчи ўқишда қабул қилинган.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати республика Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлари ва фаоллари, экспертлари, вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллалар, ўқув юртлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари, ОАВ вакиллари иштирокида экологик назорат субъектларини аниқлашнинг долзарб масалаларига бағишлаб ўтказган илмий-амалий семинарда шулар ҳақида қизғин сўз берди.

Тадбирни кириш сўзи билан очган Ўзбекистон Экологик ҳаракати Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Саидрасул Сангиновнинг эътирофича, табиатни муҳофаза қилиш энг муҳим ҳаётий зарурат ва кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан бири экан, ҳар қандай маданиятли киши, айниқса ёшлар, буни тўла англаб етиши, чуқур ҳис қилиши ва табиат бойлигига бойлик қўшмоғи лозим.

Ушбу Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинганидан кейин мамлакатимизнинг турли ҳудудларида 20 мингдан ортиқ фуқаролар билан Олий Мажлис депутатлари иштирокида ўтказилган 100 дан зиёд тадбирларда жамоатчиликнинг экологик назорат бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида экологик назорат бўйича жамоатчи инспекторлар институтини шакллантириш, бошланғич синфларданоқ экология дарсларининг узлуксиз ўтилишини таъминлаш, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг экологик маданият ва таълим-тарбиядаги ролини ошириш, жамоатчиликнинг экологик назоратини ўрнатишда ОАВлари иштирокини кенгайтириш, экологик мавзулардаги журналистик чиқишлар сифатини ошириш, юқори малакали экологик, назорат инспекторларини тайёрлаш бўйича Миллий марказ ташкил этишга оид жамоатчилик билдирган ўта долзарб масалаларни қамраб олган 90 дан зиёд таклиф ва тавсиялар жуда қимматлидир.

– "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун қанчалик тез қабул қилинса, соҳага оид қонунчилигимиз шунчалик эрта мукаммаллашиб, кенг оммалашиб, ҳар бир фуқарога етиб боради, – дейди "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди жамоатчилик билан алоқалар бўлими мудири Миркарим Мирсовуров. – Жамоатчилик иштирокида экология мавзуларида ўтказиладиган учрашув ва мулоқотлар аҳолининг экологик саводхонлигини оширишнинг энг самарали усулидир. Бунданда муҳими эса, жамоатчилик фикрини эшитиш жойлардаги экологик муаммоларни зудлик билан аниқлаш ва тезда бартараф этишда жуда асқотади.

Илмий-амалий семинарда "Экоҳаракатга 4 йил" тўплами ҳамда "Оммавий ахборот воситалари ва экология" ахборот-услубий қўлланмасининг тақдимоти уюштирилиб, ушбу адабиётлар барча иштирокчиларга тарқатилди.

Анжуманда, анъанавий 11-Республика экологик журналистика танлови шу йил 20 декабргача давом этиши маълум қилинди.

Тадбир иштирокчилари "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси муҳокамаси чоғида баён этилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли тавсиялар қабул қилдилар.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# МАФТУНКОР КЎРГАЗМАЛАР

**Темурийлар тарихи давлат музейи "Давлат ноёб илмий объектлари" рўйхатига киритилгач, унинг экспозиция ва фондларидан 3,5 мингга яқин тарихий ашёлар жой олди. Бу илм-маърифат ва маънавият маскани оммавий ахборот воситалари орқали унутилаёзган тарихимизни тарғиб қилиш марказларидан бирига айланди.**



Музей ходимларининг илмий изланишлари асосида қатор йирик рисолалар чоп этилмоқда. Илмий жамоа истиқболли режа асосида фундаментал тадқиқотлар олиб бориб, бирмунча йирик илмий-инновацион лойиҳаларни амалга оширмоқда. Республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда фаол қатнашмоқда. Айниқса, ёшлар билан давра суҳбатлари яхши натижа бермоқда. Шунингдек, турли мавзуларда ташкил этилаётган кўргазмалар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам бир қатор кўргазмалар намойиши давом этмоқда, янгиларини ташкил этишга тайёргарлик кўрилаётир. Жумладан, "Жаҳон хазиналаридаги темурийларга оид жавоҳирлар" кўргазмасида томошабин тақдир тақозоси билан коллекционерлар ўтган асрларда чет элларга олиб кетган санъат асарлари намуналари билан танишади. Кўргазмадан юзга яқин шундай тарихий ашёлар – кулолчилик, мисгарлик ва заргарлик буюмлари, ўз даврида меъморий обидаларимизни безаб турган ранг-баранг сирли парчин ва кошинлар, тарихий асарларнинг саҳифаларига ишланган турли мавзулардаги миниатюра асарларининг нусхалари ва бошқалар жой олган.

"Вақт ва инсон" кўргазмасида эса, республикамизнинг таниқли рассомларидан Азиза Мамадованинг 30 дан ортиқ асарлари намойиш қилинди. Кўргазмадан ўтмишда ўз ижоди ва муносиб хизматлари билан ўчмас из қолдирган Ибн Сино, Ҳазрат Навоий, Бобур, Хонзодабегим каби тарихий шахсларнинг сиймолари акс этган асарлар билан бир қаторда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Ўзбекистон халқ рассомлари, Ўзбекистон халқ шоирлари ва ҳозирги кунда ижод қилаётган тарихчи археолог олимлар, Ўзбекистон халқ артистлари каби бир қатор илм-фан ва маданият арбобларининг сиймолари акс этган портретлар жой олган.

"Сиз Бельгияни биласизми?" деб номланган ва яқин кунларда очилиши режалаштирилган кўргазма Ўзбекистон-Бельгия дўстлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Ундан Бельгия қироллиги тарихининг турли йўналишларини намойиш қилувчи 50 дан ортиқ фотосуратлар жой олади. Бу кўргазма томошабинлар Бельгия давлат тарихининг айрим қирралари билан танишишларида муҳим ўрин тутади.

**Ўткир АЛИМОВ,**
**Темурийлар тарихи давлат музейининг етакчи илмий ходими.**

КУЗ ҲИКМАТЛАРИ

## ТАЛАШГАНГА ТОР ДУНЁ

Ишкомда узумлар ғарқ пишди. Улар кундан-кунга болга, ширага тўлиб бораяпти.

Ана энди улар атрофида қовоғариларнинг ғужғон ўйнашини кўринг: бири олиб, бири қўйиб ёпишади, эрталабдан кечгача текинхўрлик қилишади, ўзларини шу бойликнинг эгаси деб биладилар.

Тушгача узум еб, ширага тўйган бир қовоғари атрофга виқор билан назар ташлади: у узумнинг кўпини еб битирибди, аммо қолгани ҳам эҳ-ҳе, ҳали анчага етади.

У атрофига мамнун боқар экан, ғужумнинг нариги томонида иштаҳа билан узум еяётган бошқа қовоғарини кўриб қолди: "Ярамас, текинхўр, сенга кўрсатиб қўяман" дегандек, ғўнғиллаб, ғазаб билан унга ташланди. Чамаси у қовоғари ҳам узумнинг ҳаммаси ўзимники деб ўйлаган шекилли, жон-жаҳди билан ҳужумга ўтди. Икки ўртада чунонам жанг бўлдики, азбаройи бир-бирини тишлаб, ниш санчишлари оқибатида бирикиб, думалоқланиб ерга тушишди. Жанг ерда ҳам давом этди. Улар бир-бирини худди узумни кемиргандек ғажишарди. Ва кутилмаганда, боғбоннинг этиги пошнаси остида қолиб, мажақланиб кетишди. Улардан қолган бир томчи шира ерда кичкинагина доғдек қорайиб турарди.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

## ОИЛАМИЗ ҚАДРДОНЛАРИ

Апрель ойи эди ўшанда. Беш ёшли неварам Сарваржон уйга кираркан, суюнчилади:

– Дадажон, бувижон, қаранглар, қалдирғочларимиз яна келишибди. Эшикларни очиб қўяй.

– Нега энди, болажоним. Ҳали ҳаво салкин-ку. Даданг шамоллаб қоладими, дейман, – сўз қотди бувижониси.

– Ҳо-о, қалдирғочлар совуқ қотса майли экан-да. Улар ахир узоқ жойлардан чарчаб учиб келишади, дегандингиз-ку. Эшикларни барибир очаман.

Сарваржон бувижонисини қучоқлаб олди. У доим шундай қилади. Кўндирмоқчи ёки ширинликлар ундирмоқчи бўлса, бувижонисининг бўйнига осилиб, юзларидан ўпади. Бу гал негадир Сарваржоннинг кўзларидан марвариддек ёш томчилари думаларди. Бўғзимга нимадир тиқилгандек бўлди. "Наҳот ёш бола юрагида оиламизнинг азалий биродарлари бўлган қалдирғочларга шунчалар меҳр уйғонган бўлса..."

– Дадажониси, хўп дея қолинг, эшикларни очайлик. Болажонимнинг қалдирғочлари яна совуққотиб қолмасин, – деди бувиси.

Мен розилик билдирдим. Сарваржон икки табақали эшикни ланг очиб юборди. Хонага муздек ҳаво билан бирга бир жуфт қалдирғоч вижирлаганча учиб кирди. Доира шаклида айлана-айлана, ниҳоят, шифтдаги қадрдон уяларига қўнишди. Безавол, яхши сақланган уянинг у ёқ-бу ёғини кузатган бўлдилар. Сўнг бизлардан гўё миннатдордек бошимиз узра бир-икки чарх уриб айландилар, яна чуғурлаганча, ҳовлига равона бўлдилар.

Оиламиз қадрдони – қалдирғочларимиз ташрифидан, боз набирамиз Сарваржоннинг оилапарвар бўлиб ўсаётганидан қалбимиз ажиб бир шодлик туйғусига тўлиб тошди.

**Собиржон ИНОМОВ.**

БУ – ҚИЗИҚ!

### БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ҒОЯСИНИНГ САБАБИ

Америкалик номдор тадбиркор Блейк Майкоски Аргентинага саёҳати чоғида болаларнинг кўчаларда оёқяланг юрганларини кўради.

Бу ҳол унинг бизнесини янада ривожлантиришга туртки бўлди. У "Toms Shoes" номи остида болалар учун мўлжалланган оёқ кийимлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Эътиборлиси шундаки, уларни эҳтиёжманд оилалар харид қилганда яна бир жуфти бепул берилади.

Маълумотларга кўра, "Toms" оёқ кийимлари бу йил 25 мамлакатда 1 миллиондан зиёд болаларга совға қилинди.

### ЙИРТҚИЧЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Янги Зеландиядаги "Орана" ҳайвонот боғи дунёдаги энг антиқа, ғайриоддий боғ саналади.

Сабаби, бу ерда одамлар йиртқич ҳайвонларни жуда яқиндан кўриш имконига эга бўладилар. 80 гектарни эгаллаган боғда одамлар панжара қафасларда боғни саёҳат қиладилар. Қизиғи, шундай кезларда йиртқичлар уларга ҳамла қилишлари ҳам мумкин.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

## «САККИЗИНЧИ ХАЗИНА»

Одамзот ҳаёт йўлида табиий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, кўпдан-кўп касб-ҳунарларни эгаллайди. Устозлик, мураббийлик ҳам шундай табиий эҳтиёж самараси ўлароқ юзага келган десак, хато бўлмайди. Сабаби, инсон табиатида ўзини, атрофини қуршаб турган дунёни англаш, бошқача айтганда, маърифатга ташналик азал-азалдан мавжуд. Бу хусусият инсон қонига она сути билан кирган. Зеро, одам она қорнидаёқ парваришга муҳтож бўлади. Ота-она ўз жигарбандини бутун борлиғи билан тарбиялайди. Бола туғилиб то вояга етгунга қадар бўлган жараён ҳар бир кишидан алоҳида масъулият ва фидойилик талаб этади. Энг муҳими, ота-она фарзандини дунёга келтиргани, ўстириб, тарбиялаганини миннат қилмайди, меҳнатини юзига солмайди.

Ота-онага ўхшаш яна бир зот бор. У – ўқитувчи, устоз, мураббий. Уларга нисбатан: "Устоз отангдек улуғ" деган ибора қўлланилади. Бу иборада олам-олам маъно мужассам. Унда устозлик мақоми-ю, халқимизнинг уларга бўлган меҳр-муҳаббати ўз аксини топган.

Эл эъзозлаган инсонлар ҳам яхши устоз кўрганлар орасидан чиққан. Шу туфайли бировни "устоз кўрган" деб алқашса, бошқасига "устоз кўрмаган-да!" дея баҳо беришади. Халқимизнинг буюк алломалари, мутафаккирлари, эл суйган файласуфлари, тенгсиз саркардалари ҳаётини ўрганишда: "Унинг устози фалончи бўлган" дейишга одатланганимиз ҳам шундан. Қолаверса, фарзандларимизга таълим-тарбия бериб, уларнинг эртаси ёруғ бўлиши учун фидойилик қилаётган минглаб устозлар ҳақида ҳамиша фахр билан гапирамиз.

Аммо, минг афсуски, улар орасида шундай улуғ номга доғ тушириб юрган шахсларнинг ҳам учраб қолиши ачинарлидир.

Эрали Хўжақулов олий маълумотли, оилали, уч фарзанднинг отаси. Тошкент вилоят давлат педагогика институтининг физика ва астрономия кафедраси мудири бўлиб ишлаган.

2012 йил 1 май куни жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг очиқ суд мажлисида Эрали домланинг жиноий иши кўриб чиқилди. Суд ҳукмини ўқиган ҳар қандай одам Эрали Хўжақулов талабаларни ўқитиб, фан ривожи йўлида кашфиётлар қилишга эмас, балки ўзи ва ўзига ўхшаш айрим нафсига тобе бўлиб қолганлар каби "таъмагирлик илми"га кўпроқ ҳисса қўшганига амин бўлади. Ҳақиқатан у физика ва астрономия бўйича эмас, балки "порахўрлик"да жуда кўп "антиқа ихтиро"ларнинг мутлақ "муаллифи"га айланди.

Халқимизда, етти хазина деган гап бор. Сигир – рўзғорнинг баққоли, асалари – оиланинг табиби, ипак қурти – қизларнинг сепи, обжувоз – қозоннинг ёғи, тегирмон – қориннинг белбоғи, ўрмон – иморат суяги-ю, ўчоқнинг олови, товуқ – ҳам оби-ёвғон, ҳам дори-дармон дейишади. Домла Хўжақулов эса "саккизинчи хазина"ни кашф этди: бу хазина институт талабалари эди. Ҳа, илм истаб олий билим даргоҳига қадам қўйган ҳар қандай йигит-қиз унинг учун текин даромад манбаи, яъни хазинага айланган эди.

Суд ҳукмида баён этилган қуйидаги маълумотларга эътибор қилинг: "Эрали Хўжақулов ФА-41 гуруҳи талабаларига механика фанидан дарс беради. Ўз фанидан баҳо қўйиб бермаслигини билдириб, талаба М. Э. Эшонқуловадан 300 минг сўм, Я. С. Толипов орқали Д. М. Мансуровдан 500 минг сўм, Ш. Д. Дўсмоновадан 300 минг сўм, жами 1100000 сўм пулни пора сифатида олган".

"М. Б. Тошпўлатова давлат тест имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, ўз билими билан шартнома асосида институтга кирган бўлса-да, пул беришдан бош тортса, ўзи ўқитадиган фанидан баҳо қўйиб бермаслигини ва ўқишдан четлатилишини айтиб, 800 АҚШ долларини пора сифатида олган".

"Гуруҳ сардори Ш. К. Гадоев орқали талаба С. Х. Муродиллаевдан 120 000 сўм, А. Ж. Нишоновдан 70 000 сўм, С. А. Усмоновдан 500000 сўм, жами 690000 сўм пулни пора сифатида олган".

Юқоридаги маълумотларни ўқиб, домла талабаларга нисбатан шунчалик шафқатсиз бўлган экан-да, деган фикр хаёлингиздан ўтиши мумкин. Йўқ, "қаҳрамонимиз" баъзи порахўрларга ўхшаб фақат пулга муккасидан кетган эмасди. Масалан, нақдини тополмаган талабалар – С. А. Раҳматуллаев гуруч (400 минг сўмлик), И. Тўрабоев асал (500 минг сўмлик), Б. М. Йўлдошев ёғоч (220 минг сўмлик) келтириб беришган. Кимдир кафе харажатларини тўлаворган бўлса, кимдир уйидаги хизматларини бажарган. Хуллас, ҳурматли домламиз қайси талабадан қандай фойдаланишни пухта билган. Лекин афсуски, кўза кунда эмас, кунида синиши мумкинлиги, қонун эса ҳамма учун баравар эканлиги хаёлидан фаромуш бўлган.

Маънавий қашшоқлик шундай иллатки, унга дучор бўлган кишининг қалбидаги эзгулик завол топади. Бундай шахс нафс йўлида ҳеч қандай қабиҳликдан қайтмайди. Охир-оқибат қинғир ишларининг қийиғи чиқиб, эл-юрт олдида шармандайи-шармисор бўлади. Илм истаб келган ёшларимизни "саккизинчи хазина"га айлантирмоқчи бўлган Эрали домланинг қилмишлари бунга мисолдир.

**Бахтиёр ЭРГАШЕВ,**
**Ангрен шаҳар жиноят ишлари бўйича суд раиси.**


Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган "GREEN ZONE" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "AGROTRANS MAXSUS QURILISH" (ИНН 200626038), зарегистрированное государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Фархадская, 51, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 1 от 28.09.2012г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 984-37-40.

ООО "BIO VITA" (ИНН 302144325) объявляет об уменьшении уставного фонда с 10 000 000 сум до 2 900 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Уста Ширин, 1-проезд, дом 254.

Утерянный диплом К № 854553, выданный в 2007 году Тошкент мехр-шафкат касб-ҳунар колледжом на имя Рахимовой Зилолы Махамадсалиховны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "GREEN SAIL" (ИНН 301066709), зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района за № 004919-03 от 14.12.2010 года уведомляет об уменьшении уставного фонда с 3 920 568 033,42 (три миллиарда девятьсот двадцать миллионов пятьсот шестьдесят восемь тысяч тридцать три сум 42 тийин) до 1 896 568 033,42 (один миллиард восемьсот девяносто шесть миллионов пятьсот шестьдесят восемь тысяч тридцать три сум 42 тийин).

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 13 августда 332-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "ZASLON SERVIS" адвокатлик фирмаси (ИНН 206937936, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гагарин кўчаси, 1-уй) 2012 йил 17 октябрдаги № 1-сонли йиғилиш баённомасига асосан **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида +(99891) 591-37-39 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан рўйхатдан ўтган "MADILIM" Ф/Х низом жамғармаси 375 168 494 сўмдан 43 524 645 сўмга камайтирилишини маълум қилади.
Тел.: +(99894) 935-66-99.

Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг бош мутахассиси Холида Султоновага падари бузруквори **СУЛТОН ота** ва волидаи муҳтарамаси **ФАРИДА ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


XXI аср ва дунё

### ЎҚУВЧИЛАР УЙ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД БЎЛДИ



**Германиянинг Шимолий Рейн-Вестфалия ҳудудидаги "Elsa-Braendstroem" гимназияси ўқувчилари уй вазифаларини тайёрлашдан озод қилинди.**

Мактаб директори Бригитта Фонтайннинг сўзларига кўра, ўқувчиларнинг уй вазифаларидан озод қилиниши таълим олиш вақтининг узайтирилгани билан боғлиқ бўлиб, уларнинг дарсдан кейин спорт билан шуғулланиши ва мусиқа тўгаракларига қатнаши учун имконият яратади. Директорнинг айтишича, уй вазифаларининг ўрни дарс машғулотларида фаол иштирок этиш билан тўлдирилади.

### ТОШКЎМИРДАН ГАЗ ОЛИНАДИ

**Хитой тошкўмирдан газ ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирмоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

Мазкур лойиҳага кўра, йилига ўн беш миллиард куб метр газ ишлаб чиқарилади. Бу кўрсаткич мамлакатнинг ёқилғига бўлган талабининг етти фоизини ташкил этади. Маълумотларга қараганда, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун ўн тўрт миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш режалаштирилган. Тошкўмирни қайта ишловчи илк заводлар мамлакатнинг Шэньси ва Шаньси провинцияларида қурилиши кутилмоқда.



### БАҚАЛОҚЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

**Америкалик болалар дунёда семизлик бўйича рекордчилар саналар экан. Мамлакатда болалар ўртасида ортиқча вазн оқибатида юзага келадиган қандли диабет ва юрак қон-томир хасталиклари тўққиз фоиз ошган.**



Шунингдек, Европанинг кўплаб давлатларида семизлик авж олмоқда. Буюк Британия, Венгрия, Руминия, Греция, Германия, Албания, Словакия каби мамлакатларда ҳар уч эркакдан иккитаси семизлик касалига чалинган.

Маълумотларга кўра, сўнгги ўн йил мобайнида "бақалоқлар" сони Буюк Британияда уч баробар кўпайган. Мамлакат ушбу касалликка қарши йилига ўн уч миллиард фунт стерлинг миқдорида маблағ сарфлайди.

Шифокорларнинг айтишича, мунтазам фаст-фуд маҳсулотларини истеъмол қилиш, кам ҳаракатлилик ва руҳий тушкунликка тез-тез тушиш ортиқча вазн билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирар экан.

### УЛКАН ҚОВОҚ

**Швейцариялик фермер улкан қовоқ етиштиришга муваффақ бўлди.**

Мазкур давлатнинг Зеегребен шаҳарчасида истиқомат қилувчи Бени Майер оғирлиги 769 килограммни ташкил этувчи улкан қовоқ билан барчани ҳайратга солди. Фермер Бени ўзи етиштирган бу полиз экини билан Германияда ўтказиладиган қишлоқ хўжалиги халқаро ярмаркасида иштирок этиш ниятида.



**Германияда ўн бир мингдан зиёд ўқувчи Хитойдан келтирилган музлатилган қулупнайдан заҳарланди.**

### ҚИЁМИГА ЕТКАЗИБ ҚАЙНАТИШ КЕРАК



Роберт Кох институти экспертлари томонидан мевада норовирус мавжудлиги аниқланди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, Германия мактаблари ошхоналарида ушбу қулупнайлардан болалар тушлиги учун шарбат тайёрланган ва манний бўтқасига аралаштирилган. Экспертларнинг аниқлашича, ўқувчилар мевалар яхши қайнатилмаганидан касалликка чалинган.

### СМАРТФОНЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ ИЛОВА

**Европалик олимлар смартфонлар учун янги махсус илова дастури яратди.**



Дастур муаллифларининг сўзларига қараганда, ушбу "Anxiety Coach" дастури одамга руҳий ёрдам кўрсатади. Маълумотларга кўра, илова фойдаланувчига ўзига нисбатан бўлган ишончни янада кучайтириш имконини берадиган, ваҳимадан қутулишга хизмат қиладиган турли машқ дастурлари билан таъминланган.

### НЕТБУККА ТАЛАБ ПАСАЙМОҚДА

**Нетбукка ихтисослашган дунёнинг кўплаб нуфузли компаниялари ушбу технологияларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш ниятида, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

Хусусан, Тайваннинг "Asus" компанияси раҳбари Жерри Шеннинг маълум қилишича, компанияда нетбук ишлаб чиқариш тўхтатилди. Сабаби, жаҳон бозорида бундай қурилмаларга талаб кескин пасайиб кетмоқда. Ҳозирги кунда жаҳон бозорида планшет ва ноутбукларга талаб жуда юқори.



ЎзА хабарлари асосида тайёрланди.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1042. Адади 6906. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.50. 12345